

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМАНОВ ЗУФАР МАМУРОВИЧ

**АОРТАЛ ТАВАҚАСИ ТУҒМА НУҚСОНЛАРИДА РЕКОНСТРУКТИВ
ОПЕРАЦИЯЛАР**

14.00.34 – Юрак ва қон-томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдурахманов Зуфар Мамурович Аортал тавақаси туғма нуқсонларида реконструктив операциялар.....	3
Абдурахманов Зуфар Мамурович Реконструктивные операции при врожденных пороках аортального клапана.....	21
Abdurakhmanov Zufar Mamurovich Reconstructive operations for congenital aortic valve diseases.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМАНОВ ЗУФАР МАМУРОВИЧ

**АОРТАЛ ТАВАҚАСИ ТУҒМА НУҚСОНЛАРИДА РЕКОНСТРУКТИВ
ОПЕРАЦИЯЛАР**

14.00.34 – Юрак ва қон-томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРА**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (Doctor of philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.1.PhD/Tib523 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Емец Илья Николаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абралов Хакимжон Кабулджанович тиббиёт фанлари доктори Алиев Шерзод Махмудович тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	«Миллий илмий кардиохирургия маркази» акциядорлик жамияти (Қозоғистон)

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№112-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
Академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней
д.м.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. “Аорта тавақа етишмовчилиги (АЕ) ва стенози (АС) ривожланишига олиб келувчи туғма аорта тавақа (АТ) вальвулопатияси барча туғма юрак нуқсонларининг тахминан 5% ни ташкил этади”¹. Ҳозирги вақтда “ушбу патологияни хирургик даволашнинг барча усуллари паллиатив ҳисобланади, чунки аорта илдизининг ўсишига мутаносиб равишда барча беморларда кўп босқичли операциялар ўтказилади”². АТни механик протез билан алмаштиришда кузатиладиган ҳаёт давомида тромбоземблик асоратлар ривожланишининг юқори хавфи, қон кетиш, инфекцияли эндокардит, “бемор-протез мос келмаслиги” каби асоратлар ва биопротезларнинг бирламчи тўқима дегенерацияси, шунингдек, Ross операциясида юрак ўнг қоринчаси чиқув қисмини қайта тиклашда ишлатиладиган тавақали кондуитлар билан боғлиқ бўлган ҳал қилинмаган муаммолар ҳамда бола ўсишига мос равишда неоаортал етишмовчик ривожланишининг юқори фоизли кўрсаткичи янги даво усуллари излашга туртки берди. “АТсининг натив анатомиясини ва физиологисини сақлаш мақсадида боланинг соматик ўсишига мутаносиб равишда ривожланишига имкон берадиган, шунингдек, антикоагулянт терапия билан боғлиқ бўлган тромбогенлик ва геморрагик асоратлар ва инфекцияга нисбаттан табиий резистентлик каби хусусиятларга эга бўлган АТси бирламчи пластика амалиётининг бир қатор усуллари ишлаб чиқилган”³. Зеро, аорта илдизининг ўсишига мутаносиб равишда пластика турини танлаш масаласи баҳс доирасида қолмоқда. АТси пластикасининг турли хил усуллари ҳар доим ҳам кутилган натижаларни бермайди, бу эса ёшга ва пластик амалиётлар натижаларига боғлиқ ҳолда хирургик даволаш тактикасини янада такомиллаштириш заруриятини белгилайди.

Жаҳон амалиётида, генетик жиҳатдан аниқланган вальвуло- аортопатия комбинациясини инобатга олган ҳолда кўтарилуви аорта томир девори бириктирувчи тўқималарининг эмбриогенезига зиён келтирувчи ва тизимли дисфункцияга олиб келувчи зарарли омил сифатида хужайраларнинг дифференцировкасига таъсир қилувчи экстрацеллюляр матрицада хужайраларнинг оғиши билан, шу билан биргаликда, кўтарилуви аорта аневризмаси ривожланиши билан икки қопқоқли АТси морфологик субтипларининг ассоциациясига боғлиқ бўлган масалалар ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Тавақанинг функциясига ностандарт гемодинамик оқимни таъсир қилиши ҳамда икки қопқоқли АТси қўйилган ўспиринларда бириктирувчи тўқима дисплазиясининг ҳар қандай турига хос қопқоқларнинг (кўпинча сохта комиссура соҳасида) кальцификациясига олиб келувчи

¹ Gobin A.S., Taylor D.A., Chau E., Sampaio L.C. Stem cell and gene therapy for cardiovascular disease. Organogenesis. 2016; Chapter 28: 349-373.

² Vergnat M., Asfour B., Arenz C., et al. Contemporary results of aortic valve repair for congenital disease: lessons for management and staged strategy. Eur. J. Cardiothorac. Surg. 2017; 52(3): 581–587.

³ Greco R, Muretti M. Aortic valve repair techniques: an early UK experience. Open heart. 2020; 7(1): e001107corr1.

дистрофия жараёнларини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Юрак-қон томир хирургиясида, хусусан, АТнинг туғма патологияси бўлган болаларни хирургик даволашни такомиллаштиришда муайян ижобий натижаларга эришилган. Шунингдек, даволашнинг эрта ва узоқ муддатли натижаларини яхшилаш учун ушбу туғма нуқсонларни реконструктив-қайта тиклаш амалиёти қониқарсиз натижаларининг аниқланган предикторларини инобатга олган ҳолда хирургик тактика самадорлигини баҳолаш бўйича илмий далилларга асосланган тадқиқотлар олиб борилиши зарур. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган”⁴. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, реоперацияларнинг предикторларини аниқлаш ва ёшга боғлиқ хирургик тактикани қўллаш йўли билан АТсининг туғма нуқсонларига эга болаларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 26 январдаги ПҚ-3494-сонли “Шошилич тиббий ёрдам тизимини тезкор такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда АТсининг туғма нуқсонлари оқибатида юзага келган касалликлар сони тобора ошмоқда. Бу патология “операциядан сўнгги асоратларнинг юқори кўрсаткичи билан характерланади, шу боис, ушбу тоифадаги болаларни даволаш кардиохирургиянинг етарлича мунозарали йўналиши бўлиб қолмоқда”⁵. “АТсининг туғма патологиясига эга бўлган болалар, уларнинг ёшига, нуқсон

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йил «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎЗР Қонун Ҳужжатлари тўплами.

⁵Abzalov K., Alimov A. Short-Term Results of Sinus of Valsalva Aneurysm Repair // Wor J for Ped and Cong Heart Surg. 2017; 8(1): 13–17.

патологиясининг турига, қопқоқ ҳолатининг сифатига қараб хирургик давонинг мақбул усулини танлаш ва хирургик даво тактикасининг натижалари нуқтаи назардан беморларнинг оғир тоифасига киради. "Ушбу патологияда аорта илдици ва кўтарилувчи аортанинг аневризмали кенгайиши кўп ҳолларда (40% дан 50% гача) 5-15 ёшдаги икки қопқоқли тавақага эга болаларда тез-тез кузатилади"⁶. Кўплаб муаллифлар "ушбу тоифадаги болаларда чап қоринчани ремоделланиши бўйича далиллар келтирган"⁷. Бу шундан далолат берадики, операциядан олдинги муддатда чап қоринчанинг функцияси ўзгармаган ҳолда натив АТсини реконструктив хирургик коррекция ёрдамида иложи борича узоқроқ сақлаш АТсини протезлашга бўлган эҳтиёжни самарали равишда кечиктиришга имкон беради.

Маълумки, болалардаги АТнинг патологиясини хирургик даволашнинг барча турлари (пластика, механик протез билан алмаштириш, Ross операцияси) вақтинчалик хирургик ечим ҳисобланади, чунки реинтервенциянинг аорта илдици ўсишига мутаносиб равишда кузатилиши муқаррардир. "15 йиллик яшаш кўрсаткичи ушбу патологияга эга болаларда АТ ни механик протез билан алмаштиргандан сўнг тахминан 75-88% ни"⁸, ўз навбатида, "Ross операциясидан сўнг госпитал яшаш кўрсаткичи 90-94% ни ташкил этади"⁹. "1 ва 10 йиллик яшаш кўрсаткичи АТси пластикасидан (АТП) сўнг 99% ва 97,1% ни ташкил этди"². Аксарият муаллифларнинг фикрига кўра, "АТПси - ушбу патологияли болаларда 5, 10 ва 15 йиллик реоперациядан озод бўлиш кўрсаткичи 90%, 81,1% ва 74,8% билан кечадиган хавфсиз ва самарали усул ҳисобланади"¹⁰. Мельбурннинг (Қироллик болалар шифохонаси) кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатдики, "АТП - болаларнинг Ross операцияси ёки механик протез билан протезлашнинг узоқроқ самародорлигини таъминлаш мумкин бўлган ёшгача давомий улғайишини таъминлайди"¹¹. Шу сабабли Мельбурн тактикаси ўзини оқлади ва дунёдаги кўплаб етакчи кардиохирургия марказларида мустаҳкам пойдевор сифатида кенг қўлланиляпти. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, адабиётларда Мельбурн тавсиялари билан биргаликда ёшга мутаносиб бўлган тактикага бағишланган илмий ишлар кам учрайди.

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, АТсининг туғма патологиясида қўлланиладиган пластика амалиётларининг башорати, қайта амалиётлар ўтказиш предикторларини баҳолаш, болаларнинг ёш гуруҳига қараб хирургик пластика амалиётининг самарасиз ва самарали усулларини

⁶ Liu T., Xie M., Lv Q., et al. Bicuspid aortic valve: an update in morphology, genetics, biomarker, complications, imaging diagnosis, and treatment. *Front. Physiol.* 2019; 9: 1921.

⁷ Nucifora, G., Miller, J., Gillebert, C., et al. Ascending aorta and myocardial mechanics in patients with "Clinically normal" bicuspid aortic valve. *Int. Heart J.* 2018;59: 741–749.

⁸ Wilder T.J., Caldarone C.A., Van Arsdell G.S., et al. Aortic valve repair for insufficiency in older children offers unpredictable durability that may not be advantageous over a primary Ross operation // *Eur. J. Cardiothorac. Surg.* 2016; 49(23): 883–892.

⁹ Kallio.M., Pihkala J., Sairanen H., et al. Long-term results of the Ross procedure in a population-based follow-up. *Eur J Cardiothorac Surg.* 2015; 47: 164–170.

¹⁰ Poncelet A.J., El Khoury G, de Kerchove L, et al. Aortic valve repair in the paediatric population: insights from a 38-year single-centre experience. *Eur. J. Cardiothorac. Surg.* 2017; 51(3): 43–49.

¹¹ d'Udekem Y., Siddiqui J., Seaman C.S. et al. Long-term results of a strategy of aortic valve repair in the pediatric population. *J. Thorac. Cardiovasc. Surg.* 2013; 145(2): 461–467.

аниқлаш, АТ қопқоқлари сифатининг пластика амалиётларини бажариш учун мослигини баҳолаш, янги қопқоқ яратиш учун мақбул материални ишлаб чиқиш, операциядан олдин бажарилган баллон валвулотомиясининг АТПнинг узок муддатли натижаларига таъсир қилиши билан боғлиқ бўлган масалалар ҳалигача музокара қилинмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №01. 002 “Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш” (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аорта тавақа патологияси бор бўлган турли ёш гуруҳларига мансуб болаларда замонавий реконструктив амалиётларни қўллаш йўли билан табиий тавақани сақлашга бўлган кўрсатмаларни кенгайтириш орқали аорта тавақаси пластикасининг турли усуллари самарадорлигини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ретроспектив равишда аорта тавақаси пластикасининг барча усулларини бевосита ва узок муддатли натижаларини ўрганиш;

операциядан кейинги узок муддатли даврда реоперациялар сабабларини аниқлаш;

аорта тавақасининг геометрик тузилишини ўрганиш ва Ozaki операциясини бажариш учун ўлчагичлар ва андоза тўпламларини ишлаб чиқиш;

нуқсоннинг бошланғич хусусиятлари, қопқоқларнинг микдорий ҳолати ва аорта тавақасининг операциядан аввалги геометриясини ҳисобга олган ҳолда Ozaki операцияси учун кўрсатмаларни такомиллаштириш;

аорта тавақасини реконструкция қилиш усулини танлаш учун ёшга асосланган алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Украина соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги болалар кардиологияси ва кардиохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Давлат муассасида 2004 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда АТнинг туғма патологиясига эга 163 нафар болаларда бажарилган реконструктив-пластика амалиётларини таҳлил қилиш натижаси хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб турли ёшдаги болаларда аорта тавақаси турли хил реконструктив операцияларининг натижалари ва ўз тўқималаридан фойдаланиб, замонавий юқори технологияли кардиожарроҳлик усулини жорий этиши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, инструментал (ультратовуш ва рентген текширув) ва статистик текширув усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

функционал аорта халқаси дилатацияси, қопқоқ пролапси, рестрикция ёки ретракциясининг нисбатлари қисмини тасдиқлаган ҳолда реконструктив коррекцияни талаб этадиган аорта тавақаси етишмовчилиги ривожланишининг морфофункционал механизмлари аниқланган;

аорта тавақаси туғма патологиясида амалга оширилган реконструктив-пластика амалиётларининг аорта илдизи ва кўтарилувчи аортанинг чизиқли ва ҳажмли кўрсаткичларига таъсир қилишини чап қоринчанинг қайта ремоделланиши ва систо-диастолик функцияси ўзгаришини инобатга олган ҳолда аниқланган;

узоқ муддатли операциядан сўнги даврда реоперациялардан эркинликнинг динамик индексли кўрсаткичларини болаларнинг ёш гуруҳлари, дастлабки клапан фенотиби, комплекс пластика жарроҳлик техникаси мураккаблиги, операциядан кейинги тавақа геометрияси, автоперикардиал ямоқ ва илгари баллон валвулотомиясини ўтказганлиги билан боғлиқ равишда аниқланган;

чап қоринча дилатациясининг дастлабки даражасини эътиборга олган ҳолда предикторларни ва уларнинг аорта тавақасининг такрорий дисфункцияси, ҳамда реоперациялар билан прогностик сабаб сифатида боғлиқлиги аниқланган;

аорта тавақаси қопқоқларининг геометрик параметрларини табиий математик ҳисоблашлар орқали Ozaki операциясини бажариш учун ўлчагичлар ва шаклли андоза тўпламлари ишлаб чиқилган, ҳамда 3D эхокардиография ёрдамида операция давомида қопқоқнинг оптимал баландлиги (қолдиқ тафовут ва регургитация белгиларисиз) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бирламчи пластика амалиётининг юрак ичи гемодинамик кўрсаткичларига нисбаттан сезиларли самарадорлиги аорта тавақасининг туғма патологияси бўлган турли ёшдаги болаларда аниқлаштирилган;

аорта тавақасининг туғма патологиясида қўлланиладиган бирламчи пластика амалиётининг яшаш кўрсаткичи, ҳамда реоперациялардан ва такрорий тавақа дисфункциясидан эркинлик даражаси бўйича самарадорлиги аниқланган;

аорта тавақасининг туғма патологиясини хирургик даволаш усулини оптималлаштирилган равишда танлаш ёшга боғлиқ тактикага, дастлабки нуқсон турларига, қопқоқларнинг миқдорий ҳолатига ва тавақанинг операциядан олдинги геометриясига асосланган бўлиши зарурлиги исботланган;

Ozaki операциясининг самарадорлиги аорта тавақасини реконструкция қилиш кўрсатмаларини кенгайтириш билан биргаликда аорта илдизи ва кўтарилувчи аортанинг гемодинамик параметрларини, шунингдек, чап қоринча ҳолатини ҳисобга олган ҳолда баҳоланган;

ушбу патологияга ега бўлган болаларни жарроҳлик даволаш тактикаси алгоритми олинган узоқ муддатли натижаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги. Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги беморларнинг аҳолини баҳолашнинг объектив мезонлари, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, статистик таҳлил тўпламлари ва услубий ёндашувдан тўғри фойданилганлиги билан асосланган. Тадқиқот

етарли миқдордаги клиник материал асосида олиб борилган. Тиббий статистика таҳлили тадқиқот натижаларининг ишончлигини тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган маълумотлар ва хулосалар ўзининг назарий аҳамиятига эга эканлиги, ҳамда реконструктив амалиётларнинг аорта илдизи ва кўтарилувчи аортанинг гемодинамик чизиқли ва ҳажмли кўрсаткичларига, чап қоринчанинг қайтар ремоделланиши ва систо-диастолик функциясига таъсир қилишини, реоперациядан, такрорий тавақа дисфункциясидан динамик индексли эркинлик кўрсаткичларини, уларнинг предикторларини аниқлаш билан биргаликда аорта тавақаси етишмовчилиги ривожланишининг морфофункционал механизмларини ўрганишда улкан ҳиссасини кўшганлиги орқали белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган таҳлил болалар ёшига, дастлабки нуқсон турларига, қопқоқнинг миқдорий ҳолатига, тавақанинг операциядан олдинги геометриясига боғлиқ ҳолда оптимал хирургик даво турини танлашга асосланган АТсининг патологиясига эга билан болаларни хирургик даволаш алгоритмини, ҳамда Ozaki операциясининг техник жиҳатларини яхшилаш мақсадида шахсий ўлчагичлар ва махсус шаклдор андаза тўпламини ишлаб чиқишга ёрдам берди, шунингдек, буларнинг барчаси реконструктив амалиётининг яқин ва узоқ муддатли натижаларини яхшилашини таъминлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туғма этиологияли аорта тавақа патологияси бор болаларни хирургик даволашни ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалар асосида:

“Аорта тавақаси туғма нуқсонларда реконструктив операциялар” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 8н-з/105-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар хирургия тактикасини танлашни оптималлаштириш, тромбоэмболик асоратлар, қон кетиш, юқумли эндокардит хавфини камайтириш, неоорта илдизнинг кенгайишига ва неоорта тавақаси етишмовчилигини ривожланишига, шунингдек, аорта тавақасини протезлаш усулларини кечиктириш орқали юракнинг ўнг ва чап қисмларида такрорий хирургик амалиётларни бажаришга йўл қўймаслик имконини берган;

“Ўлчагичлар ва қайта ишлатиладиган шаклдор андаза тўплами билан бажариладиган аорта тавақасида реконструктив амалиёти”га Украина патентлар агентлигининг ихтирога патенти олинган (№FAP 125759-сон, 25.05.2018). Тадқиқот натижалар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган хирургик инструментлар тўплами керакли ўлчамдаги қопқоқни ўлчаш, кесиш имконини берган, биологик материалдан неотавақа қопқоқларининг компетентлигини таъминлаган ва қайта операциялардан тўлиқ эркинлик билан қониқарли ва ўрта муддатли гемодинамик натижаларни олиш имконини берган;

аорта тавақасининг туғма патологияси бўлган болаларни хирургик даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ва Тошкент шаҳар “Эзгу Ният” кўп тармоқли тиббиёт марказининг

кардиохирургик бўлимлари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 8н-з/105-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Қўлланилган ёшга боғлиқ тактикага асосланган тавсиялар аорта тавақасининг туғма патологияси бор болаларда хирургик даво турини танлашни такомиллаштириш натижасида олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши амалиётдан кейинги реоперациядан эркинлик кўрсаткичини 71,5% дан 94,7% гача, қопқоқ қониқарли коаптацияси даражасини 70,8% дан 97,4% гача ошириш, шу билан бирга, амалиётдан кейинги эрта даврда учрайдиган ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан 5 та мақола, улардан 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгиликлар ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, муҳокамадан ўтказиш ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги, ҳажми ҳамда тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болаларда аорта тавақаси патологияси муаммосининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида тўрт бўлимдан иборат бўлган адабиётлар шарҳи ўтказилган, унда АТсининг туғма патологиясига эга болаларни хирургик даволашнинг ҳозирги кундаги муаммоларига оид маълумотлар келтирилган. Бобда хирургик даволашнинг мавжуд барча усуллари ва АТПси барча усулларининг тарихий жиҳатлари баён этилган. Болаларда АТси патологияси давосининг келгусида ечимларни талаб қилувчи долзарб масалалар келтирилган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг умумий хусусиятлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари”**, деб номланган иккинчи бобида тадқиқот босқичлари, клиник материаллар ва қўлланилган тадқиқот усуллари тавсифланган. Тадқиқот иши АТсининг туғма нуқсонларига эга 163 болаларни хирургик даволаш натижалари таҳлилига асосланган. Тадқиқотга 80 нафар (49,1%) АЕ, 38 нафар (23,3%) АС ва 45 нафар (27,6%) комбинациялашган нуқсонлари бор беморлар ажратиб олинган. Бир нафар бемор инфекцияли эндокардит ташхиси билан операция қилинган. Беморлар бажарилган АТПси комплекс усулларнинг оғирлик даражасига қараб 4 гуруҳга бўлинган:

1-гурухга комиссуротомия, кальцификация, рафе «шейвинг», қопқоқнинг эркин чегарасини пликацияси, Trusler ва Cabrol усуллари, фенестрацияни ямоқ билан пластика қилиш амалиётлари бажарилган 98 нафар бемор киритилган;

2-гурух аугментация, қопқоқни протезлаш ва неокомиссура ҳосил қилиш усуллари ёрдамида бир қопқоқли АТни бикуспидализация қилиш каби мураккаброқ амалиётлар бажарилган 40 нафар бемордан иборат.

3-гурух 15 нафар беморни ташкил этиб, уларда АТ сақловчи David, Yasoub операциялари ва АТ халқасини субаннуляр пластикаси бажарилган.

4-гурух 10 нафар бемордан иборат бўлиб, уларда АТсини неокуспидизациялаш (АТНео) - Ozaki операцияси бажарилган.

Қўлланилган АТП усулларининг самарадорлигини ёш гуруҳларига боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадида барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди: 10 ёшдан кичик беморлар 106 нафарни ва 10 ёшдан катта беморлар 57 нафарни ташкил этди.

Тадқиқотга киритилмаслик мезонлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- Неонатал ёш (<30 кун), орттирилган аорта нуқсони;
- Илгари сунъий қон айланиш доираси билан бажарилган операциялар;
- Иккиламчи тарзда АТ си зарарланиши билан кечувчи конотрункал нуқсоннинг борлиги.


Операция қилинган беморларнинг умумий сонидан 130 нафари (79,7%) ўғил болалардан, 33 нафари (21,3%) қиз болалардан иборат бўлган. Беморларнинг ўртача ёши $9,58 \pm 9,3$ ни ташкил этди. 49 нафар (30,1%) беморда NYHA I, 85 нафар (52,1%) беморда NYHA 2 ва 29 нафар (17,8 %) беморда NYHA III аниқланган. Операциядан олдинги дастлабки амалиётлардан аорта коарктациясини пластикаси 12 нафар (7,4%) беморда, баллон валвулотомияси (БВ) 31 нафар (19%) беморда амалга оширилган.

Тадқиқотлар давомида қуйидаги текшириш усуллари қўлланилган: кўкрак қафаси рентгенографияси, ЭКГ, трансортал доплерография билан трансторакал ва трансэзофагеал ЭхоКГ. Икки тавақали АТси 130 нафар (79,75%) беморда трансторакал ЭхоКГ ёрдамида аниқланган бўлиб, улар орасида 34 та бола «моноқопқоқли» анатомияга (Sievers таснифига кўра иккинчи тип) эга эди. АЕнинг ривожланиш механизмлари 62 беморда G.El Khoury таснифига асосланган ҳолда аниқланди. 158 механизмлар орасида вентрикулоартериал бирикма (ВАБ) кенгайиши (I с) (24,7%), қопқоқ пролапси (II) (24,7%) ва қопқоқ рестрикцияси ёки ретракцияси (III) (24%) энг кенг тарқалган морфофункционал механизмлар ҳисобланди.

Диссертациянинг **“Аорта тавақасида бажарилган реконструктив операциялар самарадорлигини уларнинг ножўя ходисаларнинг аниқланган предикторлари билан баҳолаш”**, деб номланган учинчи боби АТда бажариладиган реконструктив операцияларнинг бевосита, узок муддатли натижаларини, ҳамда реоперация ва АС (тиғизли градиент >60 мм.сим.усти.) ёки АЕ (>2 даража) каби композитли тадқиқот охириги нуқтасидан эркинлик кўрсаткичини ўрганишга бағишланган. Сунъий қон айланиш доирасининг ўртача давомийлиги $98,4 \pm 54,7$ минутни, аортани сиқиш ўртача вақти - $63,4 \pm 44,5$ минутни ташкил этди. Яшовчанлик даражасини баҳолаш натижасига кўра бирламчи АТси пластикасидан 9 ойдан сўнг,


иккиламчи пластика амалиётдан кейин чап қоринча (ЧҚ) систолик дисфункцияси туфайли битта ўлим ҳолати кузатилди. Умуман олганда, 10 йиллик яшовчанлик кўрсаткичи 99,4% ни ташкил этди.

Операциядан сўнгги ўртача кузатув даври $3,6 \pm 1,8$ йилни ташкил этди. Ташрихдан 1,5 ва 7 йилдан сўнг композитли охириги нуқтадан эркинлик кўрсаткичи 95%, 70% ва 47% ни ташкил этди (1А-расм). Натив АТси реоперацияга кўрсатмасиз 116 нафар (71,1%) беморда сақланди. Операциядан аввалги бир қопқоқли АТси композитли охириги нуқтага нисбатан энг ёмон натижани кўрсатди (1Б-расм).



1-расм. (А) Kaplan-Meier бўйича композитли охириги нуқтадан эркинлик; (Б) аорта тавақасининг дастлабки фенотипига боғлиқ равишда (n=163)

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, АТП комплекс усулларнинг оғирлик даражасига кўра ажратилган учинчи ва тўртинчи яъни тавақа сақловчи операциялар ва АТНео си бажарилган гуруҳларда композитли охириги нуқтадан эркинлик кўрсаткичи статистик аҳамиятга эга энг яхши натижаларни берди, аммо бир қопқоқли АТни аугментация, қопқоқни протезлаш ва неокомиссура яратиш усуллари орқали бикуспидализация қилишдан иборат бўлган иккинчи гуруҳ энг ёмон натижа кўрсатди (2А-расм).



2-расм. Kaplan-Meier бўйича композитли охириги нуқтадан эркинлик (А) аорта тавақаси комплекс усулларнинг оғирлик даражасига кўра; (Б) операциядан кейинги тавақа геометриясига кўра (n=163)

2/3 ҳолатда қопқокни протезлаш ва аугментация қилиш 10 ёшдан кичик болаларда бажарилган бўлиб, эришилган операциядан кейинги 3 қопқокли АТ геометрияси композитли охириги нуқтадан эркинлик кўрсаткичига нисбатан статистик аҳамиятга эга бўлмади (2Б-расм).

Биринчи жадвалда кўриниб турибдики, операциядан олдинги даврдаги аорта илдизи ва кўтарилувчи аортанинг (КА) z-қиймати ушбу тузилмаларнинг дилатациясидан далолат беради. ВАБнинг кескин кенгайиши ($z > 2,5$) 12 нафар 10 ёшдан кичик беморларда ва 27 нафар 10 ёшдан катта беморларда аниқланди. Операциядан олдинги давр билан солиштирганда узоқ муддатли даврда, тифиз ва ўрта систолик босим градиенти (СБГ) ($p=0,001$), Вальсальва синусларининг (ВС) индексли кўрсаткичи ($p=0,026$), ЧҚ кескин дилатацияси 44 ҳолатдан 29 ($p=0,001$) гача, ЧҚ диастола охири ўлчами ($p=0,035$), ЧҚ масса индекси ($p=0,001$), синотубуляр бирикиш z-қиймати ($p=0,006$) ва КАнинг z-қиймати ($p=0,001$) пасайди. АЕги даражаси пасайиши аниқланди: АЕ III даражаси операциядан олдин – 54 нафар (33,12%) болада, операциядан сўнгги узоқ муддатли даврда – 43 (26,38%) нафар болада аниқланди ($p=0,022$).

1-жадвал

Реконструктив операциялардан кейинги узоқ муддатли ва операциядан олдинги кўрсаткичларнинг қиёсий хусусиятлари

Кўрсаткичлар		Таққослаш муддати		p
		Операциядан олдин	Операциядан кейин	
Тифиз систолик босим градиенти (мм.сим.уст.)		58,5±30,9	25,8±12,7	0,001
Ўртача систолик босим градиенти (мм.сим.усти)		29,5±16,4	13,1±6,78	0,001
Регургитация даражаси	1	11	64	0,022
	2	9	23	
	3	54	43	
Қон ҳайдаш фракцияси (%)		68,3±10,5	65,2±9,1	0,544
z-қиймат				
Вентрикулоартериал бирикма		1,6±2,1	1,4±1,5	0,278
Вальсальва синуслари		1,2±2,5	0,9±1,4	0,075
Синотубуляр бирикма		1,9±3,2	1,1±1,5	0,006
Кўтарилувчи аорта		5,0±4,1	3,0±1,6	0,001
Чап қоринчанинг диастола охиридаги ҳажми		1,8±2,9	0,9±2,1	0,035
Чап қоринча дилатацияси даражалари, n (%)	Енгил	18 (11,0)	25 (15,3)	0,467
	Ўрта	14 (8,5)	7 (4,3)	0,514
	Кескин	44 (27,0)	29 (17,8)	0,001
Аорта илдизи ва чап қоринчанинг индексли кўрсаткичлари				
Вентрикулоартериал бирикма (мм/м ²)		17,7±11,5	16,6±4,4	0,234
Вальсальва синуслари (мм/м ²)		22,9±14,7	20,7±7,9	0,026
Синотубуляр бирикма (мм/м ²)		18,4±13,0	17,0±6,0	0,228
Кўтарилувчи аорта (мм/м ²)		19,1±13,6	20,4±5,7	0,369
ЧҚ диастола охиридаги ҳажми индекси (мл/м ²)		76,7±40,2	77,1±32,4	0,900
ЧҚ систола охиридаги ҳажми индекси (мл/м ²)		25,8±23,0	28,0±18,6	0,315
ЧҚ зарб ҳажми индекси (мл/м ²)		51,0±23,0	50,5±20,2	0,815
ЧҚ масса индекси , гр/м ²		123,0±48,4	102,3±45,4	0,001

Бироқ, ВАБ индекси ва z-қиймат кўрсаткичининг статистик ишончли пасайиши кузатилмади. Ўн саккиз ёшгача бўлган 34 нафар болаларда z-қийматга кўра ВАБ кенгайиши аниқланиб, уларнинг 18 нафарида (53%) реоперация бажарилди.

АЕги устунлиги билан кечган комбинациялашган тавақа нуқсонига эга 24 нафар болада бажарилган реконструктив операциялар бошқа нуқсон турларидан фарқли равишда энг ёмон узок муддатли натижаларни кўрсатиб, 11 ҳолларда (45,8%) реоперация қилинди, ваҳоланки, 38 нафар яхлит АЕга эга беморлар орасида эса фақатгина 12 нафарида (31,6%) реоперация бажарилди. Тахмин қилиш мумкинки, комбинациялашган тавақа нуқсонига қопқоқ сифати яхлит АЕдаги тавақа қопқоғи сифатидан ёмонроқ бўлиб, АТПсини бажаришни мушуқлаштиради.

Қайта амалиёт ўтказилган 47 боладан 23 нафарида (49%) бирламчи АТПдан олдин ЧҚ дилатацияси (z -қиймати $>2,5$) кузатилган. Уларнинг 9 нафарида кескин ЧҚ дилатацияси (z -қиймат >4), 10 нафарида дилатациянинг ўртача даражаси (z -қиймат 3-4) ва 4 нафарида енгил даражаси (z -қиймат <3) аниқланган.

Кокс (Cox proportional hazards model) модели бўйича кўп омилли регрессион таҳлил ёрдамида қуйидаги реоперация предикторлари аниқланди (2-жадвал): Trusler бўйича пластика усули, қопқоқ аугментацияси, рафе «шейвинг»и, аутоперикард қўлланилиши, қопқоқ ретракцияси, АТП усулларининг бажариш мураккаблиги. Бандан ташқари, ушбу тадқиқот композитли охири нуқтанинг қуйидаги омилларини аниқлади: ЧҚ диастола охири ўлчами z -қиймати, ЧҚ диастола охири ҳажми индекси, ЧҚ зарб ҳажми индекси ва ЧҚ масса индекси, аммо ROC (receiver operating characteristic) эгрилиги остидаги майдон $<0,7$ қийматни ташкил этди.


2-жадвал

Реоперация ва АС (тиғиз градиент >60 мм.сим.уст.) ёки АЕ (>2 даража) хавф омиллари учун Кокс моделининг кўп омилли регрессион таҳлили

Параметрлар	Реоперация ва АС (тиғиз градиент >60 мм.сим.уст.) ёки АЕ (>2 даража) дан эркинлик			
	Ягона омил таҳлили	Мультиомил таҳлили		
	p	ХМ*	ИИ 95%	p
Trusler бўйича пластика	0,000	5,83	1,61-21,03	0,007
Қопқоқ аугментацияси	0,014	6,09	1,64-22,57	0,007
Рафе «шейвинг»	0,025	7,39	3,01-18,17	0,001
Аутоперикард қўлланилиши	0,039	7,47	1,00-55,70	0,013
Қопқоқ ретракцияси	0,022	0,32	0,10-1,04	0,05
АТП усулларининг бажариш мураккаблиги	0,000	4,49	1,23-21,45	0,001
ЧҚ диастола охиридаги ўлчами z -қиймати	0,016	6,31	1,41-28,28	0,016
ЧҚ диастола охиридаги ҳажми индекси	0,005	1,84	1,07-3,14	0,026
ЧҚ зарб ҳажми индекси	0,025	0,57	0,33-0,96	0,035
ЧҚ масса индекси	0,013	1,06	1,0-1,11	0,032


Аортал етишмовчилик мавжуд бўлган 62 нафар болалардаги аорта илдизининг ROC эгрилиги параметрлари натижалари алоҳида эътиборга молик бўлиб, ROC эгрилиги остидаги майдон қиймати якуний белгиси 19,63

мм/м² бўлган ВАС индексига нисбатан 0,7 га юқорилиги аниқланди. Шу билан бирга, аутоперикард қўлланилган болалардан фарқли равишда аутоперикард қўлланилмаган болаларнинг композитли охириги нуқтадан эркинлик кўрсаткичи баландроқ бўлди (3А-расм). БВ 32,35% ҳолларда БВ бажарилмаган беморлардан (17,42%) фарқли равишда реоперацияга сабаб бўлсада, реоперация кўрсаткичига таъсир қилиши статистик аҳамиятга эга бўлмади (3Б-расм).



3-расм. Kaplan-Meier бўйича композитли охириги нуқтадан эркинлик (А) аорта аутоперикард қўлланилишига кўра; (Б) операциядан олдин баллон валвулотомиясига кўра (n=163)

Хирургик давонинг узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилиш ёш гуруҳларига боғлиқ ҳолда қўлланилган АТПсининг маълум бир усуллари қониқарсиз самарадорликка эга эканлигидан далолат берди (4 А,Б-расм). Ёши 10 дан кичик бўлган болаларда тавақа эркин чети пликацияси, субкомиссурал аннулопластика (Cabrol усули), декальцификация билан биргаликдаги комиссуротомия ишончли ҳисобланади; бошқа 2 та усуллар (рафе «шейвинг» ва Trusler усули) бир хил паст самадорликка эга, тавақаларни аугментациялаш ва протезлаш ёмон узоқ муддатли натижа беради.




4-расм. Kaplan-Meier бўйича қўлланилган хирургик амалиёт турига ва бемор ёшига кўра композитли охириги нуқтадан эркинлик (А) <10 ёшли беморларда; (Б) >10 ёшли беморларда (n=163)

Ўн ёшдан катта болаларда қопқоқ аугментациясидан ва Trusler техникасидан ташқари барча усуллар узоқ муддатли даврдаги кузатувларда композитли охирги нуқтадан 70% ли эркинлик кўрсаткичини намоён қилди (4Б-расм). Комиссуротомия самарали тавақа сақловчи усул бўлиб, барча ёш гуруҳларга мансуб АС ли болаларда салбий ходисалардан қониқарли эркинлик даражасини кўрсатди (4 А,Б-расм).

Диссерациянинг “**Аорта тавақасини неокуспидизация қилиш**», деб номланган тўртинчи бобида АТсининг туғма патологиясига эга бўлган 10 нафар болада шахсий ўлчагичлар ва махсус шаклдор андаза тўпламини қўллаган ҳолда бажарилган ушбу техниканинг асосий ривожланиш босқичлари ва ўрта муддатли натижалари келтирилган.

S.Ozaki томонидан яратилган асбоблар тўпламининг қимматлилигини ҳисобга олган ҳолда, биз неотавақани зарурий ўлчамларини аниқлаш ва кесиб ясаш учун шахсий ўлчагичлар ва махсус шаклдор андазадан иборат асбоблар тўпламини ишлаб чиқдик ва амалиётга тадбиқ этдик (5А-расм). Аорта тавақаси компонентининг геометрик параметрларини табиий математик ҳисоблашлар орқали аниқлашга асосланиб, комиссуралар орасидаги масофани миллиметрларда ўлчаш учун мўлжалланган янги калибрланган ўлчагичлар ишлаб чиқилди. Шундай қилиб, ўлчагичда кўрсатилган рақам, комиссуралар орасидаги аниқ масофани билдиради. Ҳар битта ўлчагичга 2000 йилда Гаспарян томонидан тасвирланган формулаларга асосланиб яратилган махсус шаклдор андазанинг 8 дан 28 мм гача рақамланган ойналари мос келади (5Б-расм).




5-расм. (А) Комиссуралар орасидаги масофани ўлчаш учун ўлчагичлар тўплами; (Б) Неоқопқоқларни аутоперикардан кесиб ясаш учун андаза

Болаларнинг операция вақтидаги ўртача ёши $15,4 \pm 6,6$ ни ташкил этди. Барча беморлар эркак жинсига мансуб. Бир қопқоқли тавақа 7 нафар болада, икки қопқоқлиги 3 нафар болада аниқланди. АТси нуқсонининг тавсифи қуйидагича бўлди: АЕ - 3 нафар беморда (30%), АС – 1 нафарда (10%), комбинациялашган нуқсон – 6 (60%) нафарда кузатилди. Бир ҳолатда КА дастлабки редукцияси каби операция бажарилган.

Эътиборга моликлиги, ушбу операция 10 ёшгача бўлган 2 беморда ва 10 ёшдан катта бўлган “битта қопқоқли” аралаш АТ нуқсонига эга 8 нафар беморда амалга оширилган. Ўн ёшдан катта беморларнинг 5 тасида ВАБ кенгайиши (z -score- >2) кузатилган. Сунъий қон айланиш ўртача давомийлиги $130,0 \pm 23,0$ минутни, аортани сиқиш ўртача вақти - $92,5 \pm 15,4$ минутни ташкил этди.

Операциядан сўнги ўртача кузатув даври $1,8 \pm 0,8$ йилдан иборат бўлди. Операциядан олдинги даврда аорта илдизи ва КА z-қиймати, ушбу тузилмаларнинг дилатациясидан далолат берди. Операциядан сўнги ўрта узок муддатда реоперацияга кўрсатма ва ўлим ҳолати кузатилмади, болаларнинг NYHA бўйича клиник ҳолати яхшиланди ($p=0,011$), тиғиз ($p=0,019$), ўрта СБГ ($p=0,006$), ВАБнинг ўртача диаметри ($p=0,05$), z-қиймати ($p=0,009$), индексли кўрсаткичи ($p=0,012$), КАнинг z-қиймати ($p=0,003$), ЧҚ диастола охиридаги ўлчами ($p=0,011$), ЧҚ масса индекси ($p=0,019$) пасайди.

Тадқиқот натижалари АТсининг патологияси бўлган болаларни хирургик усуллар билан даволаш алгоритмини яратишга имкон берди. (7-расм).



7-расм. Аорта тавақасининг патологияси бўлган болаларни хирургик усуллар билан даволаш алгоритми

ХУЛОСА

1. АТсининг туғма нуқсонларида пластика амалиёти 10 йиллик паст ўлим даражасини (0,6%), паст реоперация частотасини, натив тавақани реоперацияга кўрсатмасиз 116 нафар болада (71,1%) сақлаш имконини намойиш этиб, захира арсеналидаги бошқа (иккиламчи пластика, Ross операцияси, АТсини механик протез билан протезлаш) хирургик усуллар юқори самара билан бажарилиши мумкин бўлган ёшгача болани давомий ўсишини таъминлайди.

2. Реоперация муолажаси бажарилган 47 та боладан 23 нафарида (49%) бирламчи АТПдан олдин ЧҚ дилатацияси (z -қиймати $>2,5$) кузатилган, бу шундан далолат берадики, операциядан олдинги муддатда ЧҚнинг функцияси ўзгармаган ҳолда натив АТсини реконструктив хирургик коррекция қилиш ёрдамида иложи борича узокроқ сақлаш АТсини протезлашга бўлган эҳтиёжни самарали равишда кечиктиришга имкон беради.

3. Операциядан олдинги давр билан солиштирганда АТПсидан кейин узок муддатли даврда, тиғиз ва ўрта СБГи ($p=0,001$), ВСнинг индексли кўрсаткичи ($p=0,026$), ЧҚ кескин дилатацияси 44 ҳолатдан 29 ($p=0,001$) гача, ЧҚ диастола охири ўлчами ($p=0,035$), ЧҚ масса индекси ($p=0,001$), синотубуляр бирикиш z -қиймати ($p=0,006$) ва КАнинг z -қиймати ($p=0,001$), АЕги даражаси ($p=0,022$) пасайди, бу еса юрак ичи гемодинамикаси, ҳамда ЧҚ систолик функциясининг яхшиланишини ифодалайди. Бироқ, ВАБнинг z -қиймати ва индекси камайиши статистик аҳамиятга эга бўлмаганлиги ва операциядан олдин 34 нафар <18 ёшли болаларда z -қийматга кўра ВАБ кенгайиши аниқланиб, уларнинг 18 нафарида (53,0%) реоперация бажарилиши болаларда ВАБмани мустаҳкамлаш усуллари ишлаб чиқишга ва қўллашга ундайди.

4. Кокс моделининг кўп омилли регрессион таҳлиliga кўра Trusler бўйича пластика усули ($p=0,007$), қопқоқ аугментацияси ($p=0,007$), рафе «шейвинг»и ($p=0,001$), аутоперикард қўлланилиши ($p=0,013$), қопқоқ ретракцияси ($p=0,05$), АТП усулларининг бажариш оғирлиги ($p=0,001$) реоперациянинг предикторлари сифатида баҳоланди. АЕги бор 62 нафар боладаги аорта илдизининг ROC эгрилиги остидаги майдон қиймати $>0,7$ бўлиб, бўсаға кўрсаткичи $19,63 \text{ мм/м}^2$ ни ташкил этди.

5. АТПсини бажараётганда ёшга асосланган тактикани қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўн ёшдан кичик болаларда қопқоқ эркин четининг пликацияси, субкомиссурал аннулопластика (Cabrol усули), декальцификация билан комиссуротомия кутилган ишончли самарадорликни кўрсатди; 2 та бошқа усуллар (рафени сайқаллаш («шейвинг») ва Trusler усули) бир хил паст самадорликка эга, зеро қопқоқ аугментацияси ва протезланиши ёмон узок муддатли натижаларни берди. Ўн ёшдан катта болаларда қопқоқ аугментациясидан ва Trusler техникасидан ташқари барча усуллар узок муддатли даврда реоперациядан 70% ли эркинлик кўрсаткичини берди. Комиссуротомия барча ёш гуруҳларга мансуб АС ли болаларда салбий натижалардан юқори эркинлик даражасини кўрсатиб, АТПсининг самарадор усули эканлигини исботлади.

6. Ozaki операцияси болаларда реоперация хавфини оширмасдан, АТПнинг салбий натижалари кутилиши мумкин бўлган ҳолатларда альтернатив усул сифатида бажарилиши мумкин. Операциядан кейинги ўрта узоқ муддатда болаларнинг NYHA бўйича клиник ҳолати яхшиланганлиги ($p=0,011$), неоорта тавақаси ва ЧҚ гемодинамик кўрсаткичлари (АТсида тиғиз ($p=0,019$) ва ўрта СБГи ($p=0,006$), ВАБнинг ўрта диаметри ($p=0,05$), z-қиймати ($p=0,009$) ва индексли кўрсаткичлари ($p=0,012$), КАнинг z-қиймати ($p=0,003$), ЧҚ диастола охири ўлчамининг z-қиймати ($p=0,05$), ЧҚ масса индекси ($p=0,016$)) самарали натижа кўрсатгани боис, Ozaki операциясининг ушбу патологияга эга болаларда қўлланилгандан кейинги узоқ муддатли натижаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

7. Ушбу патология билан хасталанган болаларни хирургик даволаш алгоритми боланинг ёшини, дастлабки нуқсон турини, қопқоқнинг миқдорий ва сифат хусусиятларини, дастлабки АТси геометриясини инобатга олган ҳолда мақбул операция турини (АТП, Ross операцияси, АТ ни механик протез билан протезлаш) тизимли равишда танлаш имконини беради, бу эса ўз навбатида хирургик усулни танлашни такомиллаштиради ва уларнинг натижаларини яхшилаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01
ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ
ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

АБДУРАХМАНОВ ЗУФАР МАМУРОВИЧ

**РЕКОНСТРУКТИВНЫЕ ОПЕРАЦИИ ПРИ ВРОЖДЕННЫХ ПОРОКАХ
АОРТАЛЬНОГО КЛАПАНА**

14.00.34 - Сердечно-сосудистая хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2018.1.PhD/Tib523.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Емец Илья Николаевич**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абралов Хакимжон Кабулджанович**
доктор медицинских наук

Алиев Шерзод Махмудович
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **АО «Национальный научный кардиохирургический центр» (г.Нурсултан, Казахстан)**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул.Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В. Вахидова (зарегистрирована за №112). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2020 года).

Ф.Г. Назиров

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.м.н., профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.м.н., профессор

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней
д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «Врожденная вальвулопатия аортального клапана (АК) с развитием аортальной недостаточности (АН) и стеноза (АС) составляет около 5% среди всех врожденных пороков сердца»¹. В настоящее время «все методы хирургического лечения данной патологии являются паллиативными, так как все пациенты подвергаются многоэтапным операциям по мере роста корня аорты»². Такие недостатки, как высокий пожизненный риск развития тромбоэмболических осложнений, кровотечений, инфекционного эндокардита, «пациент-протез несоответствия» при замене клапана механическим протезом и первичная тканевая дегенерация биопротезов, а также нерешенные вопросы, связанные с клапансодержащими кондуитами, используемыми при операции Ross для реконструкции выходного отдела правого желудочка и высокий процент развития неоаортальной недостаточности по мере роста ребенка, побудили к поиску новых путей лечения. «С целью сохранения нативной анатомии и физиологии АК были разработаны различные методики первичной пластики, которые дают возможность корню аорты развиваться пропорционально соматическому росту ребенка, а также способствуют нивелированию риска тромбогенности, геморрагических осложнений, связанных с антикоагулянтной терапией и естественной резистентности к инфекции»³. Однако, выбор вида пластики в зависимости от роста корня аорты остается дискуссионным. Различные методы пластики не всегда приводят к желаемым результатам, что диктует необходимость дальнейшего совершенствования тактики хирургического лечения в зависимости от возраста и результатов пластических операций.

В мировой практике наиболее актуальными остаются вопросы касательно молекулярных отклонений в экстрацеллюлярном матриксе, влияющие на дифференцировку клеток с учетом, как и повреждающего фактора в процессе эмбриогенеза и системной дисфункции соединительной ткани сосудистой стенки восходящей аорты, так и сочетания генетически детерминированной вальвуло- и аортопатии, а также ассоциации морфологических подтипов створок двухстворчатого клапана с развитием аневризмы восходящей аорты у детей. Продолжаются многочисленные научные исследования по изучению нестандартного гемодинамического потока на функцию клапана, процессы дистрофии, нередко переходящие в кальцификацию створок (наиболее часто - в зоне ложной комиссуры), характерные для любого типа соединительно-тканной дисплазии у подростков с двухстворчатым АК.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения продолжается широкомасштабная работа по социальной защите населения и реформирования системы здравоохранения. В сердечно-сосудистой хирургии,

¹ Gobin A.S., Taylor D.A., Chau E., Sampaio L.C. Stem cell and gene therapy for cardiovascular disease. Organogenesis. 2016; Chapter 28: 349-373.

² Vergnat M., Asfour B., Arenz C., et al. Contemporary results of aortic valve repair for congenital disease: lessons for management and staged strategy. Eur. J. Cardiothorac. Surg. 2017; 52(3): 581-587.

³ Greco R, Muretti M. Aortic valve repair techniques: an early UK experience. Open heart. 2020; 7(1): e001107corr1.

в частности, в совершенствовании хирургического лечения детей с врожденной патологией АК достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для улучшения ближайших и отдаленных результатов лечения, этим пациентам требуются научно-обоснованные исследования по оценке эффективности хирургической тактики при патологии АК врожденной этиологии с учетом выявленных предикторов неудовлетворенных результатов пластической коррекции порока. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности⁴. Реализация данных задач, в том числе улучшение результатов и разработки алгоритма хирургического лечения детей разных возрастных групп с врожденным пороком АК путем определения предикторов повторных операций и применением возраст-ассоциированной тактики является одним из актуальных направлений.

